

РАВШАНОВ Фазлиддин

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар
кафедраси доценти сиёсий фанлар доктори,
Ренессанс таълим университети профессори*

ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ

PRIORITY DIRECTIONS AND PROBLEMS OF MODERN INTERNATIONAL POLITICAL RELATIONS

Аннотация: ушбу мақолада замонавий сиёсий макон сиёсий жараёнлар, ғоялар, манфаатлар шаклланидиган ва амалга ошириладиган муҳит, сиёсий кучлар, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик майдони, ундаги давр талаблари ва асосий масалаларга эътибор қаратилади. Мақолада шу каби, замонавий сиёсий маконни акс эттирувчи глобализув ва халқаро муносабатлар, сиёсий беқарорлик ва можаролар, трансформация ва киберхавфсизлик, сиёсий экстремизм ва популизмнинг кучайиши, цивилизация ичида ўсиб бораётган иқтисодий тенгсизлик ижтимоий кескинлик каби устувор йўналишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сиёсий макон, геосиёсат, сиёсий муҳит, халқаро муносабатлар, сиёсий маконда етакчилик, сиёсий маконда устувор йўналишлар, геосиёсатнинг етакчи субъектлари, геосиёсий концепциялар, ташиқи сиёсат, ҳарбий қудрат, иқтисодий зиддиятлар, виртуал сиёсий олам, ахборот устуворлиги учун кураш, манфаатлар зиддиятлари.

Аннотация: в данной статье основное внимание уделяется современному политическому пространству, среде, в которой формируются и реализуются политические процессы, идеи, интересы, пространству взаимодействия политических сил, общества и государства, требованиям времени и основным проблемам в

нем. В статье также анализируются приоритеты глобализации и международных отношений, политической нестабильности и конфликтов, трансформации и кибербезопасности, роста политического экстремизма и популизма, роста экономического неравенства и социальной напряженности, которые отражают современное политическое пространство.

Ключевые слова: политическое пространство, геополитика, политическая среда, международные отношения, лидерство в политическом пространстве, приоритеты в политическом пространстве, ведущие субъекты геополитики, геополитические концепции, внешняя политика, военная мощь, экономические конфликты, виртуальный политический мир, борьба за информационную приоритетность, конфликт интересов.

Abstract: this article focuses on the modern political space, the environment in which political processes, ideas, interests are formed and implemented, the space of interaction between political forces, society and the state, the demands of the time and the main problems in it. The article also analyzes the priorities of globalization and international relations, political instability and conflicts, transformation and cybersecurity, the growth of political extremism and populism, the growth of economic inequality and social tension, which reflect the modern political space.

Key words: political space, geopolitics, political environment, international relations, leadership in political space, priorities in political space, leading subjects of geopolitics, geopolitical concepts, foreign policy, military power, economic conflicts, virtual political world, struggle for information priority, conflict interests.

КИРИШ

Замонавий жаҳон сиёсати давлатлар ўртасидаги муносабатлар, минтақавий ва халқаро ҳамкорлик, иқтисодий ва савдо муаммолари, низолар, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ кенг қўламли мавзу ва масалаларни қамраб олади. Ундаги муҳим тенденцияларда йirik давлатлар, уларнинг ғоявий масадлари, ташқи сиёсат стратегияларининг устувор йўналишлари ва уларга асосланган хатти ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда айниқса ғоявий курашлар бирламчи масала бўлиб, аслида улар дунё сиёсатида етакчиликни бошқаради. Замонавий дунёда эса иқлим ўзгариши, халқаро

терроризм, миграция ва пандемия каби глобал муаммолар, шунингдек, айрим минтақалардаги давомли низолар, беқарор можаролар, қуроли тўқнашувлар ва йирик иқтисодиётлар ўртасидаги савдо келишмовчиликлари айрим давлатлар ва минтақалар ғоявий курашларининг асосини ташкил этади.

Жаҳон мамлакатлари халқаро муносабатларида ўзи ва ҳамкорлари учун қулай сиёсий муҳит, сиёсий макон яратиш унда етакчи бўлиш ва эркин геосиёсат юритиш мақсадлари ҳеч қачон эскирмаган интилишлар ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши оқибатлари бундай интилишларни бироз жиловлаган, халқаро муносабатларда дипломатия ва либерализм мавқеини бироз мустаҳкамлаган эди. Бугун бундай ёндашув инсониятнинг ўша йўқотишларидан бир аср ўтмасданок минтақа, ҳудуд, онгли келишув, дипломатик ахлоқ чегараларидан ўтиб, қучли давлатлар ва йирик сиёсий субъектларнинг глобал даражада ҳукмронлик ўрнатиш, ёки асоратли таъсир доирасига олиш, бундай имконият бўлмаганда парчалаб, йўқотиш стратегияси сифатида қайтадан ошқора намоён бўлмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Сиёсий макон” тушунчаси сиёсий маконни, унинг ташкил этилиши, ўзаро таъсири ва динамикасини тушуниш ва таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган асосий моделлар, тушунчалар ёки рамакални англатади[1:48]. Лекин, замонавий сиёсий макон тушунчаси Жан-Жак Руссо, Жон Локк, Ханна Арентс кабилар ўйлаганидек, демократия ва эркинлик ўртасидаги муносабатлар ҳамда ижтимоий ҳаракатнинг уйғунликда ривожланишини ифодаламайди[2;3;4]. У ҳозир турли субъектлар, жумладан, давлатлар, социал гуруҳлар, халқаро ташкилотлар ва бошқалар ўртасида айёрона сиёсий ўйинлар, босимлар, таҳдидлар ва таъсир этишнинг бошқа ноҳолис кўринишларини англатадиган глобал майдон мазмунини олиб бўлди. Бунда сиёсий макон суверенитети, тенг ҳуқуқлилиги, иродаси, унинг ахлоқий жиҳатлари, ҳокимият тузилмалари, демократияси, ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, ижтимоий ва экологик адолати, маданиятининг ўзига хослиги элементлари халқаро муносабатларда

деярли писанд қилинмайдиган тушунчалар бўлиб қолмоқда.

Файласуфлар ва сиёсатшунослар сиёсий маконни турли хил назарий ёндашувлар, масалан, либерализм, марксизм, космополитизм ва бошқалар орқали таҳлил қилишлари, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари асосида кўраверишлари мумкин[5:576]. Лекин мазкур тушунча моҳиятида ҳозир ўзаро таъсир ва муносабатнинг мажбурлик, глобал боғлиқлик, зиддиятлар, низолар, урушлар ва тўқнашувлар, ўзаро англамаслик, устуворлик ва ҳукмронлик каби бир қанча маънолари етакчи ўринга чиқди.

Қуйида сиёсий макон мазмуни эврилишининг бир қатор асосий жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Сиёсий макон бирламчи мазмунда ижтимоий муносабатларни бошқарувчи ва тартибга солувчи идора институтларининг ички ва ташқи муносабатларини ўз ичига олар эди[6:40]. Бугун ушбу маконда ички муносабатларда асосий масала рейтинг, мониторинг, ҳисобот ва ишлаётганликни намоён қилувчи материал тайёрлашни ташкил этади. Ташқи муносабатларда эса у босим, таъсир, таҳдид, ресурслар ва қарорлар қабул қилиш устидан назорат қилиш учун курашни англатади. Оқибатда жамият ва бошқарув институтлари муносабатларида мақсад ва манфаатлар мувозанатининг кескин бузулиши юз бермоқда. Жамоат, давлат ва халқаро ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва ҳуқуқий идоралар муносабатларида келишмовчиликлар глобал даражада ортиб бормоқда.

Ўрни келганда айтиш лозимки, бундай низолар энг кичик ҳудудий сиёсий макондан тортиб энг глобал сиёсий майдонлар қадар кенгликларда юз бераяпти. Бу цивилизациянинг умуминсоний сиёсий маданияти ва маънавияти таназзулга қараб кетаётганини кўратади.

Ушбу сиёсий майдонда аслида сиёсий идоралар ва фуқароларнинг ҳуқ-атвори ва эътиқодларини белгиловчи мафкуралар, қадриятлар ва меъёрлар шаклланади ва ривожланади. Бугун эса на идора этувчилар ва на фуқароларнинг ҳуқ-атвори ва эътиқодларини белгиловчи мафкуралар, қадриятлар ва меъёрларда чегараларга риоя этилмаяпти.

Сиёсий майдонга жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситаларининг кириб

келишидан яқин ўтмишдаги мутахассислар қарашларида аслида ривожланиш, адолат ва жадалликка эришиш кўзда тутилган[7:15]. Аммо, оммавий ахборот воситалари хато ахборот тарқатиш, жамоатчилик фикрини тийиксиз шакллантириш ва сиёсий жараёнларга гиж-гижловчи таъсир кўрсатиш орқали сиёсий маконни янада бузиш ва боши берк кўчага киргизишда муҳим рол ўйнамоқда.

Ғарб назариётчиларининг қарашларига кўра фуқаролик жамияти ва ижтимоий фаоллик замонавий жаҳон сиёсий муносабатларида етакчи омиллардан бири ҳисобланади [8:57]. Афсуски, замонавий сиёсат арбоблари ва сиёсий ҳаракатлар фуқаролик жамиятининг деярли сароб эканлигини ошкора кўрсатиб қўйди. Ҳозир сиёсий қарорлар қабул қилишда парламентлар, партиялар, касаба уюшмалари каби турли фуқаролик уюшмаларининг ҳам ўрни деярли йўқ, улар ваколат берган вакиллар эса ўзларига қарши ишламоқда. Шунга кўра, фуқароларнинг норозилик чиқишлари, намоишлари, петициялари ва бошқалар каби ижтимоий фаолликнинг турли шакллари ҳам сиёсий майдонларда аҳамиятсиз ҳаракат бўлиб қолаёпти.

Замонавий жаҳон сиёсати миллий чегараланган сиёсий майдонларни йўқ қилди, халқаро геосиёсатда босим ўтказиш бугун ўзининг юқори нуқтасига кўтарилди. Халқаро муносабатлар худди шу нуқтаи назардан турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги икки ёки кўп томонлама ҳамкорлик босқичига кўтарилди.

Умуман олганда, бугунги жаҳон сиёсати тамаддуннинг сиёсий ҳаётини турли даражадаги – маҳаллийдан глобалгача белгиловчи муносабатлар, жараёнлар ва институтларнинг миллиардлаб оддий инсонлар манфаатларини бир чақага олмайдиган мураккаб бошқарув механизмига айлантирди. Шунинг учун ҳам Юрген Хабермас[9:16] каби олимлар уни космополитик ва ноанъанавий хусусиятларига кўра ранг-баранг миллий колорит ва сиёсий тузилмаларни емириб боровчи омили сифатида муҳокама қиладилар.

Анъанавий назарий қарашларга кўра, геосиёсат сиёсий куч ва географик макон ўртасидаги муносабатни мувозанатлаштиришни ўрганар ва тадқиқ этарди[10:317]. У география, ресурслар, ҳудудлар ва геостратегик омилларнинг ўзаро манфаатли сиёсий қарорлар

ва можароларни ҳал қилишга таъсирини таҳлил қиларди. Айни вақтдаги геосиёсий таҳлиллар эса ҳудудий зиддиятларни, ташқи сиёсий босим ёки қаршилиқ стратегияларини, шунга мувофиқ ресурсларни, транспорт йўналишларини, географик хусусиятларнинг шу сиёсий жараёнлар ва ҳаракатларга таъсирини ўрганишни устувор мақсадга айлантирди. Яъни геосиёсатда кучлар нисбати, муносабати ва мувозанати, буларни ўз фойдасига бўйсундириш каби реалистик ёндашув З.Бжезинский, П.Рыбалкина кабилар таъкидла ганидек[11:68;12:216-221], замонавий маданий ҳодиса тафаккур тарзи ҳисобланмоқда. Шунга кўра, жаҳон сиёсий майдонида замонавий геосиёсатнинг қуйидаги хусусиятлари бугун яққол кўзга ташланади.

Биринчидан, ҳарбий қудрат, жойлашув ва геостратегик қулайлик сиёсий маконда қулай мавқе эгаллашда етакчи омил бўлмоқда. Шунинг учун ҳозирги жаҳон сиёсий муносабатларида геосиёсат давлатлар ва минтақалар жойлашувининг ҳарбий стратегик аҳамияти, уларнинг ташқи сиёсат стратегияларини белгилашда денгизлар, дарёлар, ресурслар ва чегаралар каби географик хусусиятларнинг ролига аҳамиятни оширмоқда.

Иккинчидан, геосиёсий таҳлилларда асосий эътибор ҳудудий можаролар, ҳудудий даъволар ва чегара масалаларини ўрганиш, бунда стратегик ҳамкорлик асосида ҳар қандай адолат ва мувозанат меъёрларини ошкора менсимасликни назарда тутди. Бунда ҳудудий ўзгаришларнинг халқаро муносабатлар ва хавфсизликка таъсирини таҳлил қилиш деярли аҳамиятга лойиқ эмас.

Учинчидан, ресурслар, иқтисодий қудрат ва имкониятларни сақлаб қолиш ёки қўлга киритиш чанқоғи геосиёсий муносабатларнинг яна бир асосига айланган. Геосиёсат энергия, сув, ер ва минераллар каби ресурслардан фойдаланиш масалаларини ҳамда уларнинг давлатлар ва минтақаларнинг иқтисодий қудратини аниқлашдаги ролини ҳам ўз таҳлилларининг асосий масалаларидан бирига айлантириб бўлди.

Тўртинчидан, геосиёсий назариялар баҳсида етакчи назария жаҳон сиёсий майдонига чиқди, дейиш мумкин. Назаримизда бунда Хэлфорд Маккиндернинг «Хартланд» назарияси[13:38], яъни Евроосиё устидан тўлиқ назорат ғояси

глобал ҳукмронлик калити сифатида қабул қилинмоқда. Ҳозирги жаҳон сиёсий майдонида мана шу минтақа ён-атрофини тўлиқ назоратга олишдек бирламчи стратегик вазифа устида курашилмоқда.

Жаҳон сиёсий майдонидаги етакчилар ўз геосиёсий таҳлиллари - давлатлар, халқаро ташкилотлар, корпорациялар ва бошқа иштирокчиларнинг жаҳон сахнасидаги ҳаракатлари ва стратегиялари билан боғлиқ тарқатаётган ахборотлари воситасида тамаддун қарашларини мақсадларига кўниктирмоқдалар[14:310]. Бу ахборотлар жаҳон хавфсизлик тизимларини ҳарбий стратегия, иттифоқлар, можаролар ва хавфларни бошқаришни уларга топширишга олиб бориши мақсадларига хизмат қилмоқда.

Жаҳон сиёсий сахнасида “Геосиёсий макон” атамаси одатда стратегик геосиёсий аҳамиятга эга бўлган аниқ минтақалар ёки ҳудудларга нисбатан қўлланилади[6:17]. Бу жойлар географик жойлашуви, ресурслари, чегаралари, тарихий қарама-қаршиликлари ва кучлари туфайли кўпинча эътиборни тортади. Мисол учун, Евроосиё ердаги энг катта қуруқлик майдони бўлиб, турли цивилизациялар ва минтақалар учрашадиган жой сифатида стратегик аҳамиятга эга. Евроосиё Шарқ ва Ғарб ўртасидаги геосиёсий мавқеи, шунингдек, Россия, Хитой ва Европа каби асосий ўйинчиларнинг мавжудлиги билан эътиборни тортади. Яқин Шарқ эса ўз ресурслари, жумладан, нефть ва табиий газ ва Африка, Осиё ва Европа ўртасидаги стратегик жойлашуви туфайли тарихий аҳамиятга эга минтақадир. Минтақа ўзининг кўплаб можаролари ва сиёсий тангликлари билан ҳам машҳур. Тинч океани минтақаси дунёдаги энг катта ва энг динамик минтақалардан бири сифатида АҚШ, Хитой, Япония, Россия, Австралия каби кўплаб мамлакатларни қамраб, жаҳон савдоси, иқтисодиёти ва хавфсизлигида муҳим рол ўйнаса, Арктика сўнгги йилларда иқлим ўзгариши туфайли ортиб бораётган эътиборга эга бўлиб, бу табиий ресурслар ва юк ташиш йўлларида фойдаланиш учун янги имкониятлар очмоқда. Минтақа Россия, АҚШ, Канада, Норвегия ва бошқа мамлакатларнинг геосиёсий амбициялари контекстида ҳам қизиқиш объектига айланиб бормоқда.

Буларнинг барчаси ҳозирги жаҳон сиёсати зиддиятларида муҳим аҳамият касб этади.

Ўрни келганда айтиш керакки, замонавий жаҳон сиёсатида сиёсий макон иконографияси сиёсий хабардорликни шакллантириш, шунингдек, мураккаб сиёсий тузилмалар ва жараёнларни тасаввур қилиш ва таҳлил қилишда муҳим рол ўйнамоқда. Бу жаҳон жамоатчилиги фикрини шакллантиришга, уни сафарбар қилишга ва сиёсий воқеликни одатда ўкиб-фикрлаб ўрганмасдан тасаввур асосида дунёқарашга айлантириш даражасида намоиш этишга олиб бормоқда. Хўш, жаҳон сиёсатидаги ушбу концепция ўзи қандай татбиқ этилаяпти?

Аслида жуда оддий. Бу концепцияга кўра ер ҳудудий эгалик -ҳукмронлик белгиси. Миллиардлаб одамлар ер ёки ҳудудни кўпинча мулк, давлат ҳокимияти ва суверенитет сифатида тушунишади. Шунга кўра, улар давлатлар тимсолида ўз ҳудудларини кенгайтиришга, ресурсларни назорат қилишга ва чегараларини ҳимоя қилишга интиладилар ёки шунга сафарбар этиладилар. Геосиёсий можаролар худди мана шу ерда бошланади ва ҳудудий низолар, чегаралар, ресурслар, миллий суверенитет ва давлат амбициялари билан боғлиқ можаролар ниқоби билан беркитилади. Савол туғилади, аслида бу ҳақиқатан ўша давлат ёки халқнинг манфаатларини ифодалайдими?

Концепцияга кўра сув ва сув йўллари ҳудудий ҳукмронликнинг иккинчи муҳим белгисидир. Сув цивилизация наздида ҳаёт манбаи. Аммо у сиёсий кучлар учун ҳукмронлик, халқаро алоқалар ва савдо рамзидир. Денгиз ва дарё йўллари жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди, дунёнинг турли минтақалари ўртасида товарлар ва ресурсларни ташишни таъминлайди. Шунга кўра, сув йўллари ва манбалари ресурсларни назорат қилиш орқали геосиёсий куч ва таъсирнинг рамзи мавқеига кўтарилган.

Ер ва сув зиддиятлари кўп асрлардан буён кўплаб сиёсий ва ҳарбий кучлар тўқнашувларига сабаб бўлиб келаяпти. Ҳозирги қайтадан бўлиб олиш халқаро низоларида ҳам уларнинг катта ўрни бор.

Жаҳон сиёсий майдонида бу икки омил асосида келажак стратегиясини яратиш тенденцияси ҳозир ҳам давом этмоқда[15:305]. Аслида мана шу ёндашувлар глобал

ижтимоий-иқтисодий хавф-хатарлар, халқаро терроризм, контрабанда, қароқчилик ва бошқа тўқнашувларни халқаро даражага олиб чиқаяпти.

Глобал геосиёсат иштирокчилари жойлашув, ресурслар ва ҳудуд каби географик омилларни ҳисобга олган ҳолда, айтиш вақтида улар эгаларининг хоҳишидан қатъий назар сиёсий қарорлар қабул қилмоқда ҳамда можаролар ўрни ва даражасини белгиламоқда[16:241]. Бу уларнинг сиёсий маконга турли давлатлар ва минтақалар куч, таъсир ва ресурслар учун курашадиган майдон сифатида қарабини кўрсатади. Кутаётган натижалари эса постмиллий дунёқарашни яратиш, яъни сиёсий макон глобаллашув ва миллий макондан очикроқ ва трансмиллий маконни англатишини сингдириш.

Бу масала ўз навбатида дунё халқини трансчегаравий алоқалар, халқаро институтлар ва жараёнлар ҳамда иқтисодий интеграция ва маданий алмашинув каби глобал тенденцияларнинг сиёсий тизимлар ва ўзига хосликларга, содда қилиб айтганда янги дунё тартибига ўтиш тасаввурини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айтиш мумкинки, оддий одамлар аллақачон тарғиб этилаётган янги дунёнинг технологик, озиқ-овқат, кейим-кечак, муносабат, меҳнат, жинслараро муносабат, таълим, соғлиқни сақлаш каби турли-туман элементларидан фойдаланишмоқда. Ушбу ҳолатларнинг ҳар бири сиёсат майдонини таҳлил қилишда ўзига хос ёндашувни талаб этади.

Глобализм ривожланган сари ижтимоий-маданий ўзига хослик, одамларнинг ўзини ижтимоий ва маданий келиб чиқиш нуктаи назаридан идрок этиш усуллари ўта чигал тушунчага айланиб бормоқда[17:]. Жаҳон сиёсий майдонидаги глобаллашув ва гендер сиёсати умумий қадриятлар, эътиқодлар, анъаналар, тил, урф-одатлар, турмуш тарзи ва маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки маданиятга мансублик ва идентификация туйғусини шакллантирадиган тарихий омиллар мажмуини чуқур таназзулга учратди. Баъзилар бунинг рад этсада, аммо миллатларда ижтимоий-маданий ўзига хосликнинг баъзи асосий жиҳатлари, масалан, этник келиб чиқиш, миллий ўзига хослик (ҳудуд, маданият, тарих ва тилга мансублик каби), диний ўзига хослик

(турмуш тарзи, қадриятлар, ҳуқ-атвор, имиж ва тафаккур), гендер идентификацияси, ижтимоий синфи ва мақоми каби хусусиятлар ҳозир катта таназзул ёқасида турибди.

Халқаро логистик иқтисодий муносабатларнинг боши берк кўчага тушиб қолиши ҳам глобал савдо ва иқтисодий таназзул сари йўл очмоқда. Геосиёсий можаролар, яъни давлатлар ўртасидаги кескинлик, манфаатлар тўқнашуви ва ҳудудий низолар, портлар, бўғозлар ёки бошқа халқаро юк ташиш йўллари чекловлари уруш эҳтимолларини оширмоқда. Ҳатто денгиздаги қароқчилик ва жиноятлар юк ташиш ва халқаро транспортга таҳдид сола бошлади. Бу халқаро савдо операциялари нархини ошириши ва товарларни етказиб бериш йўллари мураккаблаштирамоқда. Нефть тўқилиши, пластик воситасида ифлосланиши ва бошқа экологик офатлар, портлар, терминаллар каби денгиз инфратузилмасининг эскириб бораётгани, товарлар импорт ва экспортида тарифлар ёки квоталар каби сунъий савдо тўсиқлари халқаро савдони издан чиқариш билан бир қаторда, катта иқтисодий йўқотишларга замин ҳозирламоқда.

Умуман олганда, халқаро логистик иқтисодий муносабатларнинг боши берк кўчага кириб қолиши шароитида “турли имкониятлар”ни излаш, инновациялар, ҳамкорлик ва инфратузилма ва технологияларнинг турли жабҳаларига инвестицияларни кўпайтиришни талаб қилади. Лекин бу борада назаримизда уруш йўли танланмоқда, чунки ҳозирги халқаро сиёсат майдонида куч ва босим ўтказиш асосий ёндашувга айланиб кетди.

Ҳозирги Европа ва Евроосиё цивилизациялари манфаатлар зиддияти оқибатида жуда катта таназзул ёқасида турибди[11:9]. Бу тўқнашувлар аллақачон ҳарбий услубларга ўтиб бўлди. Унинг кучайиши фонида эса техноген ва табиий экологик офатлар, низолар, ижтимоий кескинликлар, иқтисодий инқирозлар ва бошқалар кўриниб турибди. Ушбу таҳдидлар цивилизация ҳаёти ва фаровонлиги учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ушбу минтақалардаги таҳдидларни бартараф этишнинг мумкин бўлган ёндашувларини излаётган олимлар келажак дастури сифатида қитъанинг

имтиёзларини тиклашни таклиф этадилар. Айрим олимлар[18:147;20:2] ресурсларни тақсимлашда адолат ва экологик жавобгарликка етакчи масала сифатида қараб, бунда айтилган дастурга киритилиши мумкин бўлган бир неча устувор йўналишларни таклиф этадилар. Улар мазмунан қуйидагичадир:

Экологик барқарорликни мустаҳкамлаш: бунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш, ифлослантирувчи моддалар эмиссиясини камайтириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак. Бу қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, экотизимларни ҳимоя қилиш ва табиий экотизимлардан фойдаланишни камайтириш чораларини кўриш долзарбдир.

Ижтимоий адолатни тарғиб қилиш: дастур тенгсизликларни камайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, жамиятнинг барча қатламлари учун тенг имкониятларни таъминлаш ва заиф гуруҳларни қўллаб-қувватлашга интилиши керак. Бу дискриминацияга қарши кураш, янги иш ўринлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя чораларини ҳам ўзида умумлаштириши лозим.

Иқтисодий барқарорликни ривожлантириш: барқарор иқтисодиётни ривожлантириш, инновациялар ва инфратузилмага сармоя киритиш, тадбиркорлик ва инвестициялар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашиши керак.

Давлат бошқаруви ва ҳукукий тартиботни мустаҳкамлаш: дастурда давлат бошқаруви институтларини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашиш, ҳукуқ-тартиботни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиши керак. Бунда эса адлия соҳасидаги ислохотлар, давлат бошқарувини такомиллаштириш ва шаффофликни рағбатлантириш қамраб олиниши муҳим.

Халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш: дастур иқлим ўзгариши, халқаро жиноятчилик ва иқтисодий инқирозлар каби умумий муаммолар ва таҳдидларни ҳал қилиш учун мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириши керак.

Йўналиш тарафдорларининг қарашларига кўра келажак дастури сифатида бу минтақалар имтиёзларини тиклаш замонавий дунё таҳдидларига дош бера оладиган барқарор, адолатли ва фаровон жамиятни яратишга қаратилган бўлиши лозим. Бу ҳукуматлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, хусусий сектор ва фуқаролик жамиятининг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилади. Лекин бу ўринда концепция тарафдорлари назаридан четда қолган нарса шуки, таназзул таҳдиди четдан эмас, биринчидан айти минтақалар ички тизими, яъни аҳолиси ва ҳукуматлари орасида, иккинчидан эса айти ушбу икки минтақа бошқарувининг сиёсий майдондаги келишмовчиликларидан келиб чиқмоқда ва муаммо айти етакчиликда имтиёз кимнинг қўлида бўлиши масаласидадир.

Бугун жаҳон сиёсати иштирокчилари юзма-юз муносабатлардан чекиниб бораёпти. Сиёсий масалалар тўлиқ ёки қисман виртуал дунёга кўчиб ўтмоқда. Бундай виртуал оламлар форумлар ва муҳокамалар, сиёсий симуляциялар, виртуал сайловлар, виртуал қабулхоналар, сиёсий йўналтирилган ОАВ ва ижтимоий тармоқлар каби турли шакл ва форматларда намоён бўлаяпти. Натижада эса низоларга олиб боровчи енгил-елпи қарорлар қабул қилиниши, баёнотлар берилиши авж олмоқда.

Сиёсий виртуал оламлар таълим, жамоатчилик иштироки ва айтиқса сафарбарлик учун кучли восита бўлиб, турли мамлакатлар ва маданиятларга мансуб одамларнинг потенциал дунёқарашларини кучли ва оммавий таъсирлаш, манипуляция, деформация, дезинформация ва рақамли манипуляциянинг бошқа шакллари ҳам дучор қилмоқда. Сўнгги ўн йилликларда технология ва рақамлаштиришнинг ривожланиши билан ҳаётимизнинг кўп жиҳатлари вертуал иқтисодий, молиявий, сиёсий муносабатлар, ижтимоий тармоқлар, онлайн мулоқотлар ва бошқалар каби макон билан тобора кўпроқ боғланиб бормоқда. Оқибатда инсоният тақдирида муҳим рол ўйнайдиган кўплаб иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, маданий, ҳарбий ҳаракатлар реал инсоният мавқеини бир чақага қиммат қилиб қўяпти. Бу ҳақиқий алоқаларни йўқотиш, ижтимоий изоляция ва монополлашган виртуал дунёга қарамликка олиб келиши мумкин бўлган

катта хавфдир. Континентал муқобил ҳаёт эса мулоқотнинг ҳақиқий соҳаларига, масалан, жисмоний учрашувлар, ижтимоий тадбирлар, ижтимоий иштирок, жисмоний фаолият ва бошқаларга эътиборни қайтаришга чақиради.

Бу концепция, шунингдек, реал инфратузилма ва таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, иқтисодиёт ва сиёсат каби давлат институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этишни ҳам назарда тутди. Фақат, виртуал ресурслар ва алоқа воситаларига таяниш ўрнига, “континентал муқобил” [19:81;21:29] онлайн ва офлайн ҳаёт ўртасидаги мувозанатни топишга ундайди. Бунда ахборот глобаллашувининг ҳам катта роли бор.

Замонавий ахборот жамиятида ахборот ҳаётнинг барча жабҳаларида, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, таълим ва ҳоказоларда муҳим рол ўйнамоқда. Дунё цивилизацияси ўзи билмаган ҳолда жаҳон сиёсий майдонида ахборотдан фойдаланиш, алмашиш ва уни етказиш ўз ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлигини тан олди. Анъаналашаётган ахборотлашув жараёнларида қуйидаги тасаввурлар мустаҳкамланиб бормоқда:

Ахборот уруши: дунё сиёсий майдонида ахборот ўзаро тушуниш воситасига эмас, ўзаро курашиш куралига айланади. Замонавий геосиёсатда ахборот технологиялари тобора муҳим рол ўйнайди. Давлатлар ва нодавлат субъектлар халқаро ҳамжамиятга таъсир қилиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, дезинформация ва манипуляция қилиш учун ахборот ресурсларидан янада фаол фойдаланадилар. Можаролар ва бошқа муносабатларнинг ахборот омиллари тобора етакчи ва муҳим бўлиб боради ва тез орада бу инсоннинг нафақат ақлий, балки жисмоний борлигини ҳам қамраб олиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги: ахборот технологияларига қарамликнинг ортиши билан ахборот хавфсизлигига таҳдидлар даражаси ҳам ошади. Ҳозирдаёқ давлатлар ўз ахборот ресурсларини киберҳужумлар, кибержосуслик ва бошқа таҳдидлардан ҳимоя қилишни кучайтирмоқдалар. Ахборот хавфсизлиги ҳар қандай ҳудуд геосиёсий ва миллий хавфсизлигининг асосий элементи айланиб бормоқда.

Геосиёсий можаролар: ахборотлашганлик ва зарурий технологиялар геосиёсий можароларни ҳал қилиш ёки кучайтиришнинг муҳим таянчига айланади. Ҳозирдаёқ рақамлаштириш, интернет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида фуқаролар ўз сиёсий талабларини ташкил этишлари ва билдиришлари мумкин. Ахборот технологиялари дунёдаги ҳар бир инсон ва ҳар бир воқеликни кузатиш ва назорат қилиш даражасида қўлланилади.

Географик ахборот тизимлари: замонавий геосиёсатда географик маълумотларни таҳлил қилиш, хариталар яратиш ва турли геосиёсий сценарийларни моделлаштириш имконини берувчи географик ахборот тизимлари (ГАТ) кенг қўлланилади. ГАТ ҳудудий ривожланишни режалаштириш, чегара назорати, ресурсларни бошқариш ва бошқалар учун қўлланилади.

Шундай қилиб, ахборот етакчи ахборот жамияти беллашувини келтириб чиқаради ва бу янги вазифалар, имкониятлар ва ҳаракатлар стратегиясини белгилаб берувчи замонавий геосиёсатнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ушбу концепция жамият саломатлиги ва фаровонлиги, маданий ва ижтимоий қадриятларни сақлаш, шунингдек, ҳақиқий алоқалардан кераксиз маҳрум бўлишнинг салбий оқибатларини англаш ва бунга қарши туриш, алоқа ва ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги устуворликларни қайта кўриб чиқишда аҳамиятга эгадир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон сиёсати Европа ва Евроосиё континентида гўёки келажак иқтисодий ва ҳуқуқий етакчисини аниқлаш йўлига ўтди. Бу масалани ҳал этиш амалда уруш йўли билан бормоқда. Аввал бошдаёқ назарда тутилган етакчилик концепцияси лойиҳаси иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий устунликка эришиш учун турли мамлакатлар ва минтақаларни етакчилар мақсад ва қадриятлари атрофида бирлаштиришни назарда тутарди. Жараён мақсадларнинг қўйилишидаёқ умуминсоний эмас ва босимга асосланган. Шунга қўра, тузилаётган иттифоқлар, ҳарбий, иқтисодий блоклар, интеграция бирлашмалари ёки ҳамкорликнинг бошқа

шакллари ҳам низоли вазиятларни назарда тутати. Ҳозирги жараёнлар бизнингча, жаҳон сиёсий етакчилиги учун курашнинг иккинчи фазаси ёки В вариантыдир. Биринчи фаза ёхуд А варианты эса глобаллашув сиёсати билан амалга оширишга уриниб кўрилди. Унда иктисодий имкониятлар, маданий алмашинув, технологик тараққиётни қўлга олиш билан силлиқ амалга ошириш назарда тутилган эди. Бироқ, иктисодий қарамлик фонида парчаланиш хавфининг кучайиши, маданий ўзига хосликни йўқотиш фонида анъанавий ахлоқ ва янги ахлоқ низоларининг вужудга келиши, тенгсизликнинг кучайиши фонида терроризмнинг авж олиши етакчиликни силлиққина қўлга киритиш режаларини барбод қилди.

Жаҳон сиёсий майдонида геосиёсий етакчилик концепциясининг ушбу лойиҳаси миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, маданий хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш, иктисодий муносабатларга мувозанатли ёндашув ва лойиҳанинг барча иштирокчилари учун барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш йўлидан борганда балки, мақсадига эришган бўлар эди, лекин бу лойиҳа энди тиклаб бўлмас даражада таназзулга юз тутди. Дунё сиёсати чорраҳада турибди, ҳаракат йўналиши эса инсоният тақдирини белгилаши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Денисенко И.Ф. История политических учений: учебной пособие. -М.: Феникс, 2015. -478 с.
- Руссо, Ж. Об общественном договоре или принципы политического права / Ж. Руссо. — М.: Юрайт, 2024. -146 с.
- Локк Дж. Сочинения : В 3 т. - Т. 3. - М. : Мысль, 1988. -С. 269.
- Ханна Арент. Опыты понимания. -М.: Изд. Институт Гайдара, 2018. - 712 с.
- Рассел Б. История западной философия. 2-е изд.-Новосибирск: Изд-во Новосиб. ун-та, 1999. -576 с.
- Гаджиев К.С. Геополитика: учебник. - М.: Юрайт, 2014. - 466 с.
- Евразийский союз: новые рубежи, проблемы и перспективы. -М.: ИСПИ РАН, 1996. -55 с.
- Буряк В. В. Глобальное гражданское общество и сетевые революции. -Симферополь: ДИАИПИ, 2016. -152 с.
- Хабермас Ю. Расколотый Запад / пер. с нем. -М.: Весь Мир, 2008.
- Колосов В., Мироненко Н. Геополитика и политическая география. -М.: Аспент-Пресс 2021. -509 с.
- Бжезинский З. Буюк шахмат тахтаси. -Т.: Trast and Support, 2023. -304 б.
- Рыбалкина, П.В. Проектное мышление как новый инструмент социокультурного проектирования // Социально-гуманитарные знания. - 2016. - №8. - С. 216-221.
- Хэлфорд Маккиндер. Географическая ось истории. -М.: Neoclassic, 2023. -352 с.
- Карпович О. Г. Глобальные проблемы и международные отношения. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. -503 с.;
- Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. — М.: АСТ, 2003. -603 с.
- Василенко И. Геополитика современного мира. -М.: Юрайт, 2015. -420 с.
- Мир: Пять сценариев нового мирового порядка. <https://www.ipg-journal.io/ru/regiony/mir/konec-konca-istorii-1538/>
- Клюня В. История экономических учений. – Минск: БГУ, 2016.-360 с.
- Будаев А., Демидов А., Манойло А. «Мягкая сила» в мировой политической динамике. -М.: Известия, 2015. -207 с.
- Равшанов Ф. Этапы развития государства: теория и практика. SCIENCE AND WORLD International scientific journal. № 4 (68), 2019, Vol.II-C.74-78.https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=nempyqcAAAAJ&citation_for_view=nempyqcAAAAJ:Tyk-4Ss8FVUC
- Лагутина М. Мир регионов в мировой политической системе XXI века. СПб.: С.-Петербург. Политех. ун-та, 2016. -300 с.